



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 19 » sentabr № 482

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига саноат ишлаб чиқаришида хомашё узлуксизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида “божхона ҳудудида қайта ишлаш” божхона режимини янада соддалаштириш, саноат корхоналарининг хомашё таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш каби устувор вазифалар белгиланди.

Шунингдек, республикамиз экспорт салоҳиятини ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, миллий маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш ҳамда келгусида уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат ишлаб чиқаришида хомашё узлуксизлигини таъминлаш бўйича қўшимча қулайликларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги ПҚ–392-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат ишлаб чиқаришида хомашё узлуксизлигини таъминлаш бўйича қўшимча қулайликларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги ПҚ–392-сон қарорига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган, ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар рўйхати тегишли технологик асбоб-ускуналарни киритиш ҳисобидан кенгайтирилиши;

Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига қўшимча ваколатлар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи қўшимчалар киритилсин:

импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган, ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган янги технологик асбоб-ускуналар рўйхатини кенгайтириш;

Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси функцияларини кенгайтириш.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Кудратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “19” сентябрдаги 482-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 6 октябрдаги 601-сон қарорида:

а) номи ва 1-банднинг биринчи хатбошисидаги “Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси” сўзлари “Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

номи ва 1-банддаги “Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси” сўзлари “Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг “в” кичик банди қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“республика ҳудудига импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган технологик асбоб-ускуналар рўйхатига киритилган, бироқ ишлаб чиқарилганига 3 йилдан кўп бўлган айрим технологик ускуналар рўйхатини фақат божхона божидан озод қилиш шarti билан тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспортчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 7 сентябрдаги ПФ–6306-сон Фармони 3-бандининг учинчи хатбошисида назарда тутилган норма келиб чиқиш сертификати асосида ҳам қўлланиладиган юқори сифат ва назорат тизимига эга мамлакатларни белгилаш;

мувофиқлик сертификатини тақдим этмаган ҳолда, уни божхона ҳужжатлари расмийлаштирилган кундан бошлаб икки ой давомида белгиланган тартибда олиш шarti билан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган маҳсулотларнинг божхона ҳужжатларини расмийлаштиришга йўл қўйиладиган ҳолатлар рўйхатини (импорт қилувчининг кафолат хати асосида) тасдиқлаш”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 июндаги 352-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган, ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар рўйхати:

а) 58¹ ва 74- позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

58 ¹	8413810000	Насослар
...
74	8414805100	Ҳажмли қайтма-илгариланма компрессорлар

б) қуйидаги мазмундаги 147¹ ва 147² -позициялар билан тўлдирилсин:

“

147 ¹	8426120000	Ғилдиракли, ҳаракатланадиган кўтарма фермалар ва портал юк ортгичлар
147 ²	8426200000	Минора кранлари

”;

в) қуйидаги мазмундаги 153¹–153⁶- позициялар билан тўлдирилсин:

“

153 ¹	8428208001	Тўқимачилик толаларини транспортировка қилиш учун пневматик кўтаргичлар ва конвейерлар
153 ²	8428208009	Бошқа пневматик кўтаргич ва конвейерлар
153 ³	8428320000	Товарлар ёки материаллар учун узлуксиз ишлайдиган бошқа ковшли элеватор ва конвейерлар
153 ⁴	8428330000	Товарлар ёки материаллар учун узлуксиз ишлайдиган бошқа тасмали элеватор ва конвейерлар
153 ⁵	8428392000	Товарлар ёки материаллар учун узлуксиз ишлайдиган бошқа роликли конвейерлар
153 ⁶	8428399009	Товарлар ёки материаллар учун узлуксиз ишлайдиган бошқа элеваторлар ва конвейерлар

”;

г) қуйидаги мазмундаги 450¹- позиция билан тўлдирилсин:

“

450 ¹	8472300000	Почта жўнатмаларини саралаш, тахлаш ёки конвертларга жойлаш ёки ўраб боғлаш учун машиналар, почта жўнатмаларини очиш, ёпиш ёки муҳрлаш учун машиналар ҳамда почта маркаларини ёпиштириш ёки ҳисобдан чиқариш учун машиналар
------------------	------------	---

”;

д) қуйидаги мазмундаги 476¹- позиция билан тўлдирилсин:

“

476 ¹	8478100000	Тамаки таёқчалари (стиклари)ни ишлаб чиқариш учун ускуна
------------------	------------	--

”;

е) қуйидаги мазмундаги 520¹ ва 520² - позициялар билан тўлдирилсин:

“

520 ¹	8501630000	Ўзгарувчан ток генераторлари (номинал чиқиш қуввати 375 кВА дан 750 кВА гача)
520 ²	8501640000	Ўзгарувчан ток генераторлари (номинал чиқиш қуввати 750 кВА дан юқори)

”;

ж) қуйидаги мазмундаги 538¹- позиция билан тўлдирилсин:

“

538 ¹	8515190000	Юқори ҳароратли пайвандлаш учун бошқа машина ва аппаратлар
------------------	------------	--

”;

з) қуйидаги мазмундаги 561¹- позиция билан тўлдирилсин:

“

561 ¹	8704109000	Йўлсиз шароитларда фойдаланиш учун мўлжалланган, электромеханик трансмиссияга эга (дизель ва электр двигателлари ўрнатилган), юк кўтариш қуввати 50 тоннадан юқори бўлган юк машинаси (автомобиль-самосвал)
------------------	------------	---

”;

и) қуйидаги мазмундаги 677¹- позиция билан тўлдирилсин:

“

677 ¹	9406903100	Иссиқхона учун ускуна ва жиҳозлар
------------------	------------	-----------------------------------

”;

к) изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ушбу рўйхатга киритилган ва ишлаб чиқарилганига 3 йилдан кўп бўлган айрим технологик асбоб-ускуналарнинг рўйхати фақат уларни божхона божидан озод қилиш шарти билан Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланади”.

